

5-МАВЗУ: ЖИНОЯТ ТАРКИБИ.

ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ДЕБ -
жиноят ҳуқуқида содир этилган аниқ бир
ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб
баҳолаш учун зарур бўлган объектив ва
субъектив белгиларнинг минимал
йиғиндисига айтилади.

Жиноят таркибининг жиноий-ҳуқуқий аҳамияти бир қатор омилларда ифодаланади


Содир қилинган қилмишни баҳолаш, аниқроғи жиноятни квалификация қилишнинг қонуний асоси бўлиши.

Содир бўлган ҳодиса (ҳолат) белгиларини ЖК Махсус қисми тегишли моддаларида белгиланган жиноят таркиби билан солиштирган ҳолда квалификация қилиши.

Жиноят таркибининг тўғри аниқланиши жиноятни тўғри квалификация қилиш учун асос бўлиши ва бу эса ўз навбатида одил судловни амалга ошириш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда пировард натижада айбланувчининг тақдирини тўғри ҳал этишда аҳамиятга эга бўлиши.

Жиноят таркиби ва унинг белгиларининг аниқланиши суд-тергов амалиётида жиноий - ҳуқуқий нормани қўллашда қонунийлик принципининг муҳим кафолати бўлишлигида ифодаланади.


ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ — жиноят таркибининг объектив ва субъектив томонларининг зарурий ва факультатив белгилари ташкил этади. Булар қуйидагилар:



ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ ЗАРУРИЙ БЕЛГИЛАРИ ДЕБ –
ўзининг аҳамиятига кўра, жиноят таркибининг маълум
бир элементида сўзсиз иштирок этадиган белгиларга
айтилади. **Ушбу зарурий белгилар қуйидагилар:**

Ижтимоий муносабат (ҳуқуқ ва эркинликлар).	1
Ижтимоий хавфли қилмиш.	2
Ёш, жиноий жавобгарлик келтириб чиқарувчи ёш чегараси (ЖК 17 - моддаси).	3
Ақли расолик.	4
Айб (қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида) ташкил этади.	5

ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ - ўзининг аҳамиятига кўра, жиноят таркибининг маълум бир элементида ҳамма вақт ҳам иштирок этиши зарур ҳисобланмайдиган белгиларга айтилади.



ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ҚУЙИДАГИЛАРДА КЎРИНАДИ:

1

Жиноят қонунда кўрсатилган айрим ҳолларда жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиб келиши.

2

Қонунда кўрсатилган ҳолларда жиноят таркибининг оғирлаштирувчи, ўта оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи таркибининг зарурий белгиси бўлиб келиши.

3

Ушбу белгилар жиноят таркибига киритилмаган, киритилган бўлсада, жиноятни квалификациясига таъсир қилмайдиган ҳолатларда, жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкинлиги.

№	ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ ТУРЛАРИ	
1	Ижтимоий хавфлилик даражасига қараб	1. Асосий (оддий таркибли). 2. Оғирлаштирувчи таркибли. 3. Енгиллаштирувчи таркибли.
2	Жиноят таркиби объектив томонининг хусусиятига қараб	1. Моддий таркибли. 2. Формал таркибли. 3. Кесик таркибли.
3	Жиноят таркиби белгиларининг ифодаланиш усулига кўра	1. Оддий таркибли. 2. Мураккаб таркибли.

АСОСИЙ (ОДДИЙ) ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ - жиноят учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларни назарда тутмайдиган жиноят таркибига айтилади (мас: ЖК 97-моддаси 1-қисми “Қасддан одам ўлдириш”).

ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ- ўзида жиноят учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни акс эттирадиган жиноят таркибига айтилади (мас: ЖК 97-моддаси 2-қисми “Қасддан одам ўлдириш”).

ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ - содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини камайтирадиган ёки жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни ўзида акс эттирадиган жиноят таркибига айтилади. (мас: ЖК 100-моддаси “Зарурий муҳофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш”).

МОДДИЙ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ - ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини талаб қиладиган ва шу оқибат келиб чиқиши билан жиноят тугалланган жиноят деб топиладиган жиноят турларига айтилади (ЖК 97-моддаси “Қасддан одам ўлдириш”).

ФОРМАЛ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ - ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилиши билан тугалланадиган жиноят турларига айтилади (мас: ЖК 140-моддаси “Тухмат”). Яъни, ЖК Махсус қисми нормаси диспозициясида жиноят таркиби объектив томони фақат ижтимоий хавфли қилмишда ифодаланади.

КЕСИК ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ - жиноятни тамом бўлиш вақтини жиноят қонуни олдинги босқичга (жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичига) кўчирилган жиноятларга айтилади (ЖК 165-моддаси “Товламачилик”).

КЕСИК ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАРДА жиноят объектив томони белгилари (ЖК Махсус қисми моддасининг диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлар) бўлиб-бўлиб бажарилади ва ушбу ҳаракатлардан бири бажарилиши билан жиноят тугалланган деб топилади.

ОДДИЙ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ - жиноят таркибининг элементлари (объект, объектив томон, субъект ва субъектив томони) биттадан ортиқ бўлмаган жиноятларга айтилади.

МУРАККАБ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ - жиноят таркибининг белгилари ёки бирор бир белгиси икки ёки ундан ортиқ бўлган жиноят турларига айтилади.

ЖИНОЯТ ТАРКИБИ

№	ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ	ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАРИ
1	Объект:	1. Ижтимоий муносабатлар. 2. Жиноят предмети.
2	Объектив томон:	1. Ижтимоий хавфли қилмиш. 2. Ижтимоий хавфли оқибат. 3. Ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш. 4. Жиноят содир қилиш вақти, шароити, жойи, усули, жиноят содир этиш воситаси ёки қуроли.
3	Субъектив томон:	1. Айб. 2. Мотив. 3. Мақсад.
4	Субъект:	1. Жисмоний шахс. 2. Ақли расолик. 3. жиноят қонунида белгиланган жиноий жавобгарлик ёшига етганлиги.

6 - МАВЗУ: ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ

ОБЪЕКТ ДЕГАНДА - Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар (шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги) мажмуи тушунилади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида, ушбу ижтимоий муносабатларга зарар етказилади ёки шундай зарар етказиши реал хавфи остида қолади.

ОБЪЕКТНИНГ АҲАМИЯТИ

Объект жиноят таркибининг зарурий элементи ҳисобланиб, ЖК Махсус қисм моддасида тўғридан - тўғри кўрсатилган бўлишлиги.

Содир этилган қилмишда объект бўлмаса, у жиноят сифатида эътироф этилмаслиги.

Жиноятларни тўғри квалификация қилишга хизмат қилишида ифодаланади.

ИЖТИМОЙИ МУНОСАБАТЛАР БУ - инсонлар ўртасидаги уларнинг ҳаёт фаолияти жараёнида вужудга келадиган маълум алоқалардир.

ИЖТИМОЙИ МУНОСАБАТЛАРГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ДЕГАНДА


Шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларига.

Жамият ва давлат манфаатларига.

Табиий муҳитга.


Тинчликка.

Инсоният хавфсизлигига тажовуз қилиниши назарда тутилади.



УМУМИЙ ОБЪЕКТ — жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар тушунилади.


МАХСУС ОБЪЕКТ – жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий моҳиятлари жиҳатидан бир - бирига ўхшаш ёки яқин бўлган ижтимоий муносабатларни ўз ичига оладиган ижтимоий муносабатлар гуруҳига айтилади.



Махсус объект ЖК
Махсус қисмидаги
жиноят-ҳуқуқий
нормаларни таснифлаш
имконини беради.

Махсус объект ЖК
Махсус қисми
тузилишини
шакллантириш бўлим ва
бобларга ажратишнинг
асосий мезони бўлиб
ҳисобланади.

БЕВОСИТА ОБЪЕКТИ – ижтимоий хавфли тажовуз содир этилаётганда бевосита тажовуз қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади.



Жиноий қилмиш содир
этилиши натижасида
ушбу ижтимоий
муносабат бевосита
зарар кўради.

Бевосита объект ЖК
Махсус қисмининг ҳар
бир моддасида акс
этади.



БЕВОСИТА ОБЪЕКТНИНГ БУНДАЙ БЎЛИНИШИ - жинойий тажовуз бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча объектга қарши қаратилган бўлгандагина аҳамият касб этади.

АСОСИЙ БЕВОСИТА ОБЪЕКТ – ижтимоий хавфли тажовуз тўғридан - тўғри қаратилган, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир.

Масалан: ЖК 164-моддаси “Босқинчилик” да асосий бевосита объект – ўзга шахсининг мулк ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

ҚЎШИМЧА БЕВОСИТА ОБЪЕКТ - бу асосий бевосита объект билан бир вақтда тажовузга учрайдиган жиноят қонуни билан қўриқланадиган яна бир бошқа ижтимоий муносабатларга айтилади.

Масалан: ЖК 164-моддаси “Босқинчилик”да қўшимча бевосита объект – шахсининг ҳаёти ёки соғлиғи бўлиб ҳисобланади.

ФАКУЛЬТАТИВ БЕВОСИТА ОБЪЕКТ - асосий бевосита объект билан бир вақтда ижтимоий хавфли тажовузга учраши ёки учрамаслиги ҳам мумкин бўлган жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Масалан ЖК 277- моддаси “Безорилик”да – ўзганинг мулк ҳуқуқи факультатив объект бўлиб келиши мумкин. Яъни айбдор асосий бевосита объект ҳисобланган жамоат тартибидан ташқари ўзга шахсларнинг мулк ҳуқуқларига ҳам зарар етказиши ёки зарар етказмаслиги мумкин.

ФАКУЛЬТАТИВ ОБЪЕКТ - шундай ижтимоий муносабатлардирки, жиноят содир этилганда унга зарар етказилиши ҳам, етказилмаслиги ҳам мумкин. Ушбу ҳолат эса, жиноятни квалификациясига таъсир қилмайди.

	ЖИНОЯТ ПРЕДМЕТИ БУ – ижтимоий хавфли тажовуз қаратилган моддий дунё неъматидир. Жиноят предмети тажовуз натижасига зарар кўриши ҳам (ЖК 173-модда), зарар кўрмаслиги ҳам мумкин (ЖК 177-модда). Жиноят предмети белгиларини:

Кўз билан кўриладиган, ўлчови, сифати ва ўзига-хос белгиларга эга бўлган моддий ашё бўлишлиги.

Шахс предметга тажовуз қилиш орқали жиноят объектига зарар етказиши (мас: Ўғрилик жиноятида: пулни ўғирлаш орқали шахснинг мулк ҳуқуқига тажовуз қилади. Ушбу ҳолатда пул - жиноят предмети, мулк ҳуқуқи эса - жиноят объекти бўлиб ҳисобланади).

Жиноят предмети айрим жиноят таркибларида мавжуд бўлмаслиги (мас: Қасддан одам ўлдириш жиноятида, инсон тана аъзолари – жиноят предмети сифатида қабул қилинмайди) ташкил этади.

ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ	ЖИНОЯТ ПРЕДМЕТИ
- фақат ижтимоий муносабатларни ташкил қилиши; - ушбу ижтимоий муносабатларнинг жиноят қонуни билан қўриқланганлиги; - ҳамма вақт жиноят таркибининг зарурий белгиси эканлиги; - объектнинг йўқлиги жиноят мавжуд эмаслигини англатишлиги.	- кўз билан кўриладиган, ўлчови, сифати ва ўзига - хос белгиларга эга бўлган моддий ашё бўлиши; - айрим ҳолларда ушбу ижтимоий муносабатларни юзага келтирувчи манба бўлиб келиши; - предметга тажовуз қилиш орқали жиноят объектига тажовуз қилиниши; - жиноят қонунида назарда тутилган ҳолларда жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиб келишида ифодаланишлиги.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАЊМАТ !!!**